



ТАФСИР ИЛМИ ВА УНИНГ РИВОЖИ

Комилов Илҳом Икром Ўзгли

*Учтена тумани “Ҳазрати Али” жомеъ
масжиди имом-ноиб*

Аннотация: Ушбу мақолада тафсир илмининг шаклланиш тарихи ва ривожлари ҳамда машҳур муфассирлар ҳамда тафсир асарлари ҳақида атрафлича маълумот берилди.

Калит сўзлар: тафсир, муфассир, саҳоба, оят, шарҳ, таъвил, тобиийин

Тафсир илми Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидаёқ ривожланган эди. Саҳобалар Қуръоннинг баъзи бир нозик жихатларини тушунмай қолганларида, буларни Росулulloҳдан сўраб билиб олар эдилар. Саҳобалар Қуръони каримни тафсир қилишда қуйидаги нарсаларга суянишар эди:

1. Қуръони каримнинг ўзига. Чунки Қуръони каримда бир жойда умумий келган маъно бошқа жойда муфассал қилиб келтирилган ёки бир жойда умум ёки мутлақ бўлиб келган оят бошқа жойда хосланиб ёки боғланиб келтирилган. Бу нарса Қуръонни Қуръон билан тафсир қилиш дейилади. Масалан: Моида сурасида Аллоҳ таоло: **أُحِلَّتْ لَكُمْ بَهِيمَةُ الْأَنْعَامِ إِلَّا مَا يُتْلَى عَلَيْكُمْ**

“...Сизларга уй ҳайвонларининг гўшти ҳалол қилинди. Лекин энди тиловат қилинадиганлари эса ҳаром қилинди...” (Моида сураси, 1-оят), деб кейин шу суранинг 3-оятидан ўша гапни тафсир қилиб: **حُرِّمَتْ عَلَيْكُمُ الْمَيْتَةُ**

“Сизларга ўлимтик лар ҳаром қилинди...” (Моида сураси, 5-оят) деди.

2. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларига. Чунки Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни баён қилувчи эдилар. Саҳобалар Қуръондан тушунмаган ҳар бир ўринларини Росулulloҳдан сўрадилар. Масалан: Ибни Аббос розияллоҳу анҳу айтадилар: **الَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ**

“Шундай кишиларики, иймон келтириб, иймонларига зулмни аралаштирмаса...” (Анъом сураси, 82-оят) деган оят туширилганда бу нарсани тушуниш одамларга қийин бўлди. Шунинг учун: “Ё Росулulloҳ қайсимиз ўзимизга зулм қилмаган бўламиз” деб сўрашди. Шунда Росулulloҳ



дедилар: “Бу ердаги зулм сизлар ўйлаган зулм эмас, Қуръонда солиҳ банданинг айтган гапини эшитмаганмисизлар-ки, *إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ* у;

“...Албатта ширк катта зулмдир...” (Лукмон ураси, 13-оят) деган. Демак, бу ердаги зулмдан мурод ширкдир”, дедилар.

3. Ўзларининг фаҳм ва ижтиҳодларига. Саҳобалар Қуръонни тафсир қилишда аввал Қуръоннинг ўзига, сўнг Росулulloҳнинг ҳадисларига, ундан кейин эса ўзларининг фаҳм ва ижтиҳодларига суянишар эди. Чунки улар соф араблар эдилар ва Қуръондаги балоғат ва фасоҳатни яхши тушунишар эди. Саҳобалардан бир қанчалари муфассирликда машҳур бўлишган. Улардан: Тўрт халифа, Ибн Масъуд, Ибни Аббос, Убай ибн Каъб, Зайд ибн Собит, Абу Мусо Ашъарий, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Умар, Жобир ибн Абдуллоҳ, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Оиша розияллоҳу анҳумлардир. Бу кишилар баъзилари кўп баъзилари оз тафсир қилганликлари ривоят қилинган. Саҳобалардан кейин тобеъинлардан ҳам машҳур муфассирлар чиқишган. Улардан: Саид ибн Жубайр, Мужоҳид, Акрима, Товус ибн Кайсон Ямоний, Ато ибн Аби Рабоҳ, Зайд ибн Аслам, Абул Олия, Муҳаммад ибн Каъб Қурозий, Алқама ибн Қайс, Масрук Асвад ибн Язид, Мурратул Ҳамадоний, Омир Шаъбий, Ҳасан Басрий, Қатода ибн Даъама ас-Судусий.

Тафсир сўзи луғатда - “баён қилиш”, “ошкор қилиш”, “кашф қилиш” ва “равшан қилиш” каби маъноларни билдиради.

Истелоҳда эса: *هُوَ عِلْمٌ يُفْهَمُ بِهِ كِتَابُ اللَّهِ الْمُنَزَّلُ عَلَى نَبِيِّهِ مُحَمَّدٍ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَ بَيَانٌ وَمَعَانِيهِ وَ اسْتِخْرَاجُ أَحْكَامِهِ وَ حُكْمُهُ*

Тафсир бу Аллоҳнинг ўзининг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил қилган китоби тушуниладиган ва унинг маънолари тушуниладиган ҳамда ундан олинадиган ҳукмлар тушуниладиган ва у каломнинг ҳукмлари ўрганиладиган илмдир.

Тафсир фани Бани Умайя амирлигининг охирида Аббосийлар даврининг бошида ёзила бошланди. Лекин бу тафсир ҳадис китобининг ичида бир боб шаклида келтирилган тафсир эди. Бу пайтда алоҳида тафсир китоби ёзилмаган эди. Мана шу даврдан кейин тафсир фани алоҳида китоб сифатида ёзилди. Биринчи алоҳида тафсир китоби сифатида ёзилган тафсир Ибни Можа томонидан ёзилган. У киши 273/887-йилда вафот қилдилар. Иккинчиси Ибни Жарийр Тобарий томонидан ёзилган. У киши 310/923- йилда вафот этганлар. Учинчиси Абу Бакр ибн Мунзир Нийсобурий томонидан ёзилган. У киши 318/930-йилда вафот қилганлар. Тўртинчиси Ибни Али Хотам 327/939-йилда вафот қилганлар. Бешинчиси Абу Шайх ибн Ҳаббон 369/980-йилда вафот



қилганлар. Олтинчиси Ҳоким 405/1015-йилда вафот қилганлар. Еттинчиси Абу Бакр ибн Малдовия 410/1010-йилда вафот қилганлар.

Машхур муфассирлар ва тафсирлар:

1. Тафсир Ибн Аббос
2. Тафсир Ибн Уяйна.
3. Тафсир ибн Абу Хотам.
4. Тафсир Абу Шайх ибн Ҳаббон.
5. Тафсир Ибн Атийя.
6. Тафсир Абу Лайс Самарқандий “Баҳрул улум”.
7. Тафсир Абу Исҳоқ “Ал-Кашф вал баён фи тафсирил Қуръон”.
8. Тафсир Ибн Жарийр ат-Тобарий “Жомиъул баён фи тафсирил Қуръон”.
9. Тафсир Ибн Аби Шайба.
10. Тафсирул Бағавий “Маъалимут танзил”.
11. Тафсир Ибн Касир “Тафсирул Қуръанил карим”.
12. Тафсир Саълабий “Ал-Жавҳарул ҳисон фи тафсирил Қуръон”.
13. Тафсир Жалолоддин ас-Суютий “Ад-Дуррул мансур фит-тафсир бил маъсур”.
14. Тафсир Шавканий “Фатҳул қодийр”.

Қуръони каримни таржима ва тафсир қилиш. Таржима икки хил маънода ишлатилади:

1. Таржимаи ҳарфия. Бу сўзма-сўз, сўзларнинг тартибини ўзгартирмасдан таржима қилиш деганидир.

2. Таржимаи тафсирия ёки маънавия. Бу сўзларнинг тартибига риоя қилмасдан, жумланинг умумий маъносини бошқа тилга таржима қилишдир.

Қуръонни ҳарфий таржима қилиш билан у таржимага Қуръоннинг ҳукмини бериш бекор қилинади. Таржимон қанча чуқур илмли ва мохир таржимон бўлса ҳам, унинг қилган таржимаси Қуръон деб аталмайди. Чунки Қуръони карим Аллоҳ таолонинг ўзининг пайғамбарига нозил қилган, инсонларни ожиз қолдирувчи каломи бўлиб, у Аллоҳ таоло томонидан лафзлари ва маъноси билан нозил қилингандир. Уни ўқиш билан ибодат қилинган бўлади.

Қуръони каримнинг маънавий таржимаси тўғрисида шуни айтиш керакки, Қуръоннинг икки хил маъноси бор:

1. Аслий маъно. 2. Санавий маъно.

Қуръони каримнинг аслий маъносини араб тилини яхши биладиган барча киши тушуниши мумкин. Санавий маъноси эса, унинг хос маъноси бўлиб, уни



Аллоҳ билдирган кишиларгина тушуниши мумкин. Шунинг учун бу борада тафсирлар жуда кам. Аммо аслий маъносининг тафсири борасида бир қанча уламолар шуғулланишган.

Муфассирларнинг шартлари:

1. Ҳавои нафсига берилмаган бўлишлиги.
2. Биринчи ўринда Қуръонни Қуръон билан тафсир қилишни бошлашлиги.
3. Эътиқодининг дуруст бўлишлиги.
4. Қуръондан кейин ҳадисга мурожаат қилишлиги яъни, Қуръонни ҳадис орқали тафсир қилишлиги.
5. Агар бу икки юқоридаг манбаадан тафсирини топа олмаса, саҳобаларнинг сўзларига мурожаат қилишлиги.
6. Ундан кейин тобеъинларга мурожаат қилишлиги.
7. Араб тилини ва унинг қоидаларини чуқур билмоқлиги.
8. Қуръонга боғлиқ бўлган илмларни билмоқлиги.
9. Чуқур фаҳмга эга бўлмоқлиги.

Тафсирнинг турлари. Тафсирнинг турлари қуйидагилардир:

1. Тафсир бил маъсур. Бу Пайғамбаримиз ва саҳобалардан бўлган ривоят орқали қилинган тафсирлардир.
2. Тафсир бир раъй. Ўз фикри ва ижтиҳоди билан қилинган тафсир.
3. Тафсир суфия. Тарикат йўллари ирода қилиниб қилинган тафсирлар.
4. Тафсир ишорий. Қуръони карим лафзларидан кашф қилиб олинган ишорий маънолар баён қилинган тафсирлар.
5. Ғорийбут тафсир. Бунга “Ҳарфи муқаттоъат”ларни ҳар хил таъвил қилишлар киради. Масалан: **يس** ни “Эй инсон” деб ёки “Эй Муҳаммад” деб қилинган тафсирлар киради. Бу тафсир кўпроқ таъвил ҳисобланади. Чунки таъвил дегани луғатда: “аслга қайтиш” маъносида бўлиб, истелоҳда: “сўзнинг борадиган жойи”, “ирода қилинган нарсаси” деган маънода ишлатилади. Шунга биноан мана шу охириги тур тафсирни таъвил деб айтишимиз мумкин.